

**МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ ТАШКИЛОТЛАРИ**  
**ТАРБИЯЛАНУВЧИЛАРИНИ КЛАСТЕР УСУЛДА МАКТАБГА**  
**ТАЙЁРГАРЛИК ДАРАЖАСИНИ ТАЪМИНЛАШДА МОБИЛ**  
**ЛАБОРАТОРИЯНИНГ АҲАМИЯТИ.**

**З.Ю.Шонасирова**  
**ЧДПИ “Мактабгача таълим”**  
**кафедраси катта ўқитувчиси**

**Аннотация.** Мактабгача ёшдаги болалар кунинг асосий қисмини мактабгача таълим ташкилотида ўтказадилар. Шу давр мобайнида бола ўзи учун керакли бўлган билимларни тарбиячидан олади .Боланинг қандай ўсиши, билим олиши ва ривожланиши ҳар томонлама тарбиячига ва у бериб турган билим ва малакаларга боғлиқ. Тарбиячининг қай даражада билимдонлиги болалар билан мулоқоти орқали намоён болади. Бўлажак тарбиячиларга ўқиш давридан бошлаб болалар билан мулоқот, улар бн муносабатни ўргатиб борилса, камровни кучайтириб борилса жуда кўп натижаларга эришиш мумкин. Шунингдек, назарий олинган билимлар амалиёт орқали мустаҳкамланади ва инсоннинг ўз устида ишлаши учун шароит яратиб берилади .

**Калит сўзлар:** мактабгача таълим, тарбиячи, мобил лаборатория, ривожлантириш, тадқиқ қилиш, концепция, инновация, амалга ошириш.

**Annotation.** Preschoolers spend most of the day in a preschool educational organization. During this period, the child receives the necessary knowledge from the teacher .How a child grows, receives and develops knowledge depends on the comprehensive educator, as well as on the knowledge and skills that he or she gives. The level of knowledge of the teacher is shown in communication with children. Future teachers communicate with children from the very period of training, they can achieve great results if they are taught a positive attitude, reach, teach. Also, theoretically acquired knowledge is consolidated by practice and given to create conditions for a person to work on himself.

**Keywords:** preschool education, educator, mobile laboratory, development, research, concept, innovation, implementation.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 30 сентябрдаги “Мақтабгача таълимни бошқаришни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3955 сонли қарори ижросини таъминлаш мақсадида, мақтабгача таълим тизимини янада такомиллаштириш, болаларни сифатли мақтабгача таълимдан тенг фойдаланиш имкониятларини ошириш, мақтабгача таълим тизимига илғор педагогик , инновацион ҳамда ахборот технологияларни жорий этиш, мақтабгача таълим тизимига малакали педагогик кадрларни тайёрлаш ва ривожлантиришга мутлақо янгича ёндашувларни жорий этиш мақсадида мобил услубдаги лаборатория – мақтабгача таълим ташкил этилди.

Мобиль типда қурилган мақтабгача таълим-лабораторияси мақтабгача таълимни ривожлантириш бўйича комплекс чора тадбирларни ўз ичига олади.

### **Модулли мақтабгача таълим лабораториясининг мақсади:**

Мақтабгача таълимда ҳаракатли ўйинларни ўқитиш назарияси ва методикаси, тасвирий фаолият, мусиқий кўникмаларни ривожлантириш, болалар нутқини ўстириш, болалар педагогикаси, тилга ўргатиш, элементар математик кўникмаларни шакллантириш, болаларда саҳналантириш ва ижодий фаолиятни ривожлантириш, Мария Монтессори методикаси фанларидан амалий фаолиятларни ташкил этиш механизмларини ишлаб чиқишнинг инновацион шакллари яратиш, тадқиқ қилиш ва тажриба синовдан ўтказишдан иборат.

**Мақтабгача таълим лабораториясини ривожлантиришнинг устувор вазифалари.** Ушбу модулли мақтабгача таълим лаборатория - мақтабгача таълим тизимини барча соҳаларини ривожлантиришни таъминловчи муҳим манба ва механизмларни ишлаб чиқишдан иборат.

Мақтабгача таълим лаборатория - назария ва амалиётни боғлаган ҳолда мақтабгача таълим тизимига малакали кадрларни тайёрлашни мутлақо янгича йўналишини ҳаётга тадбиқ этади. Шу муносабат билан Концепцияни амалга ошириш доирасида меъёрий - ҳуқуқий базани такомиллаштириш бўйича қуйидаги тадбирларни амалга оширади:

○ Илғор хорижий тажрибалар асосида, тарбия жараёнини ташкил қилишга қўйиладиган амалдаги Давлат талабларини кўриб чиқиш, талабаларга бериладиган билим, кўникма ва малакаларига қўйиладиган талабларни жорий этиш.

- Лаборатория мактабгача таълим фаолиятини тартибга солувчи меъёрий- ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш.
  - Лаборатория мактабгача таълим уставини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш
  - Лаборатория мактабгача таълим муққобил шакллари учун янги ўқув методик материалларни ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш.
  - “Илк қадам” давлат ўқув дастурини кенг жорий этиш, лаборатория мактабгача таълим мутахассислик фанларини ривожлантирувчи муҳитнинг инновацион технологиялари ва модулларини ишлаб чиқиш, таълим изчиллигини мазмун ва процессуал компонентларини оптималлаштириш .
  - Талабаларнинг бадиий эстетик ва мусикий тарбия ҳамда таълим даражасини ошириш, тарбияланувчиларни эрта ёшдан бошлаб STEAM ўқитиш асосларини жорий этиш.
  - Талабаларнинг келгусида ўзини ўзи муваффақиятини намоён қилиш учун асос сифатида ижтимоий - эмоционал кўникмаларни ривожлантириш
  - Болаларни сифатли мактабгача таълим билан мактабга тайёрлаш кўламини ошириш, ундан тенг фойдаланиш имкониятларини таъминлаш, соҳада талабалар билимини ривожлантириш.
  - Лаборатория мактабгача таълимнинг мослашувчан иш жадвали ҳамда ривожлантирувчи, тузатувчи хизматлар ва тадбирларнинг кенг кўламини жорий этиш ва ривожлантириш.
  - Енгил қурилиш конструкциялари ва замонавий энергия, самарадор материаллар ва технологиялардан фойдаланган ҳолда, шинамлик ва экологик хавфсизлик талабларига мувофиқ лойиҳаларни ишлаб чиқиш.
- Мактабгача таълим соҳасида инновацион жараёнларни ривожлантириш ва жорий этиш мақсадида қуйидаги тадбирларни амалга ошириш лозим:
1. Ахборот хавфсизлигини муносиб даражасини таъминлаш.
  2. Таълим соҳасида талабаларга илғор халқаро тажрибани ўргатиш, умумлаштириш ва жорий этиш.
  3. Мактабгача таълим соҳасида дастурий воситалар, ахборот, маълумотлар базалари, мултимедия маҳсулотларини талабалар иштирокида ишлаб чиқиш ва уларни мактабгача таълим лаборатория фаолиятида қўллаш.

4. Ахборот тизимини (EMIS) янада такомиллаштириш ва ривожлантириш, маълумотларни киритиш ва тезкор алмашиш учун мобил иловаларни яратиш.
5. Болаларни эрта ривожлантириш, мактаб таълимига тайёрлаш соҳасида талабалар билан илмий тадқиқотлар олиб бориш, илғор илмий ишланмалар ва технологияларни лаборатория мактабгача таълим фаолиятига интеграция қилиш.
6. Талабаларнинг инновацион ахборот коммуникация ва педагогик технологиялар соҳасидаги билимлари ва малакасини ошириш, лабораторияда инновацион таълим муҳитини ташкил қилиш
7. Мактабгача таълим лабораторияни интернет тармоғига чиқадиган персонал компьютерлар билан таъминлаш, ўқув методик, дидактик материаллар, ривожлантирувчи ўйинлар ва ўйинчоқлар, бадиий адабиётлар билан жиҳозлаш.

**Ушбу модулли мактабгача таълим - лабораторияси иш фаолиятини самарали йўлга қўйишдан қуйидаги натижалар кутилмоқда:**

**Талабалар учун:**

Сифатли таълим олишда назария ва амалиёт уйғунлиги;

Эгалланган билим ва малакаларни амалиётга қўллай олиш кўникмасини шакллантириш;

Касбий фаолиятга мослашувчанлик;

Мактабгача таълимдаги янги инновацион лойиҳалар ва ишланмалар билан танишиш имконияти

**Профессор-ўқитувчи ва тадқиқотчилар учун:**

Илмий-назарий ишланмаларни амалиётга тадбиқ этиш имконияти;

Замонавий шароитларга эга тажриба синов майдончасида ишлаш имконияти

Амалга оширилаётган лойиҳалар доирасидаги тажриба синов ишларини бевосита кузатиш имконияти;

Бажарилаётган тадқиқотларнинг самарадорлигини ошириш имконияти;

Тадқиқотларда аниқланган камчилик ва нуқсонларни тезкорлик билан тузатиш имкониятларини беради.

Мактабгача таълимида талаба-ёшларнинг эгаллаган назарий билимларини амалиётда қўллай олиш кўникма ва малакаларини ҳамда касбий

компетенцияларини ривожлантиришда **“Модулли мактабгача таълим лабораторияси”**нинг аҳамияти беқиёс. **“Модулли мактабгача таълим лабораторияси”** Республикада илк бор ташкил этилиб инновацион характерга эга , назария ва амалиётнинг узвийлигини боғлашни ўзига мақсад қилиб олган. Шунингдек, ушбу лаборатория профессор – ўқитувчилар ўз тадқиқотлари учун илмий – назарий ишланмаларнинг дуал тизим асосида амалиётга тадбиқ этиш, амалга ошириладиган лойиҳаларнинг тажриба – синов ишларини бевосита кузатиш мақсадида фойдаланадилар. **“Модулли мактабгача таълим лабораторияси”** орқали талабаларнинг аудиторияда эгаллаган назарий билимлари мустаҳкамланади, амалий кўникмалар ривожлантирилади, яъни ўқув машғулоти назария ва амалиёт уйғунлигида ташкил этилади.

Шунингдек, лабораториянинг аҳамиятли жиҳати талабаларни мактабгача таълим ёшидаги болаларга бўлган муносабатига ижобий таъсир этади, тарбиячи касбининг долзарблиги ва жозибадорлигини оширади, педагогик таълим инновацион кластери доирасида мактабгача таълим ташкилотлари билан ўқув-методик ҳамкорликни кучайтиради. Қолаверса, республикада мактабгача таълим тизимида намуна сифатида хизмат қилади.

### **Фойдаланилган адабиётлар**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 майдаги ПҚ-4312-сонли қарори
2. Ўзбекистон Республикасининг “Илк ва мактабгача ёшдаги болалар ривожланишига қўйиладиган Давлат талаблари” Тошкент-2018 й
3. Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институти “Мактабгача таълим мобил лаборатория КОНЦЕПЦИЯСИ”